

USMON KHOJA POLATKHOJAEV'S PARTICIPATION IN JADIDISH MOVEMENT

Mahmudov Akmal Mannonjonovich

Fergana State University, 2nd year doctoral student.

Annotation: Through the analysis of sources, the article reveals the activities of Usmon Khoja Pulatkhojaev, one of the activists of the "Young Bukhara" organization, together with his comrades in 1898-1920 in the field of the struggle for freedom and national interests of Turkestan.

Key words and phrases: Jadidism, uprising, Turkestan, province, labor, propaganda, intelligentsia, manifesto, national interests, freedom.

Усмон Хўжа Пўлатхўжаев Туркистон ўлкаси ва Бухородаги ижтимоий-сиёсий жараёнларга, ҳамда жадидчилик ҳаракати майдонида XIX асрнинг охиридан бошлаб Маҳмудхўжа Бехбудий, Мунаввар қори Абдурашидхоновлар қаторида кириб келди. У 1878 йилда Туркистон генерал-губернаторлигининг Фарғона вилоятидаги Андижон, Қўқон, Марғилон каби уездларидан бири ҳисобланган Ўш уездида туғилган. Туркистондаги халқ ҳаракати ва озодлик учун кўтарилган кўзғолонларни қўллаш, уларда иштирок этиш ҳаракати ушбу шахс феноменида ёшлигиданоқ вужудга келган эди. Юқоридаги фикрларни келтиришдан кўзланган мақсад, онаси авлодлари томонидан Фарғона водийсидан бўлган Усмон Хўжа Пўлатхўжаевнинг 1898 йил 18-19 май кунлари Андижон уездидаги Мингтепада Дукчи Эшон кўзғолони пайтида Ўшда бўлган. “20 яшар Усмон Хўжа кўзғолонга ҳайрихоҳ бўлганлар қаторида гумон қилинган ва 777 та ҳибсга олинганлар сингари эди”. - деб ёзади, Иброҳим Ёркин [1: S-201].

Иброҳим Ёркин бу борадаги фикрини давом эттираркан, Усмон Хўжа Бухоро таъбаси (фуқароси) бўлганлиги учун рус полициячилари томонидан озод этилганлигини қайд қилиб ўтади. Усмон Хўжа 1898 йил Дукчи Эшон кўзғолонида иштирок этмаган бўлсада, ушбу ҳаракат Туркистон халқларининг чоризм мустамлакасига қарши кураши эканлиги ва миллий озодлик учун кураш йўлидаги ҳаракат эканлигини чуқур англаган [2: 77-6]. Ушбу кўзғолон ҳақида ёзилган ишларда бу ҳаракатнинг асл моҳият мазмуни очиқ берилган [3: 133-144-6]. Усмон Хўжа Пўлатхўжаев Россия империясининг Биринчи жаҳон уруши йилларида (1914-1918 йиллар) Туркистонда юритган сиёсати, 1916 йилларда мардикорликка олиш ва ўша йилда юз берган халқ кўзғолони даврида ҳам фаол жадидлардан бири бўлганлигини тарихий далиллар тасдиқлайди. Германиялик тарихчи олим Боймирза Ҳайит (1917-2006 йй)нинг ёзишича, 1916 йил 25 июнда Россия подшосининг мардикорликка олиш билан боғлиқ фармони эълон қилингандан сўнг, Туркистон минтақаси жадидларининг бу масалага муносабатини аниқлаштириш ва янги вазифаларни белгилаб олишлари учун Самарқанд шаҳридаги Маҳмудхўжа уйида жадид мунавварларидан Мунаввар қори, Пахлавон Ниёз, Усмон Хўжа, Қори Камол, Обиджон Маҳмудлар иштирокида кенгаш бўлган. Кенгашда Туркистон халқининг ушбу адолатсиз подшо фармонида қарши туришга тарғиб қилишлари зарурлиги бир овоздан маъқулланган [4: S-206]. Тадқиқотлар давомида амин бўлиндики, Усмон Хўжа 1916-1917 йилларда Россия подшоси фармонида қарши халқ орасида ташвиқот ва тарғибот олиб бориш фаолларидан бири бўлган. Самарқанддан Маҳмудхўжа Бехбудий, Хивадан Полвон Ниёз, Жиззахдан Қори Комил, Қўқондан Обиджон Маҳмуд қаторида “Ёш бухороликлар” сардори Усмон Хўжа Пўлатхўжаев мардикорликка олишга қарши митинглар уюштирдилар” - деб ёзганди, муҳожир ўзбек Абдуллоҳ Ражаб Бойсун, турк тарихчиларидан Али Бодомчи ва Закриё китобчи [5: 40-41 б]. Усмон Хўжа ўз маслакдошлари қаторида халқни подшо фармонида бўйсунмасликка даъват этганлиги, уни бекор қилиш, қонуний тус олишига йўл қўймаслик, исён ёхуд кўзғолон чиқариш учун кўп куч сарфламаганини бирдек таъкидлайдилар [6: 50-6, 7: S-145].

Биринчи жаҳон уруши йилларида Бухорода жадидчилик ҳаракати ривожланиб, 1916 йилдан “Ёш бухороликлар” ташкилоти ўз фаолиятини кучайтирди. Ташкилот фаоллари бўлган Усмон Хўжа Пўлатхўжаев, Абдурауф Фитрат, М.Саиджон, Отаулла Хўжа, А.Мунзим, Ҳамидхўжа, Файзулла Хўжаев қабилар “амирнинг кўзини очиш ва уни прогрессив ислохотлар қилиш”га кўндириш билан боғлиқ ташвиқот ҳамда тарғибот ишларини олиб бордилар.

Биринчи жаҳон уруши Шарқ дунёсини асоратда тутиб турган йирик мустамлакачи давлатлар ўртасида бошланган ва уруш ҳаракатлари Туркистон минтақасидан узоқ ҳудудларда олиб борилаётган эди. Бироқ тараққийпарвар зиёлилар уруш даврида Шарқ мамлакатлари, жумладан Бухоро амирлигини ҳам чор Россияси асоратидан қутулиш соати келган эди, деб ҳисоблайдилар. Жумладан А.Фитрат “Билимсиз қолган Шарқ бу тўғри йўлни кўра олмади. Бу фурсатни ҳам қочирди. Шарқ бирлашмади, айрилди. Жопуниё (Япония) инглизга қўшилди, Туркия олмонлар билан юрди, Эрон ва Афғонистон бетараф қолди. Хитой ва Туркистондаги мусулмонларга келганда булар дунёда нима бўлиб турганини англаганлари ҳам йўқ эди”-деб ёзганди [12: 20-6]. Абдурауф Фитратнинг юқоридаги фикрларидан кўриниб турибдики, ўша даврда жаҳонда кечаётган жараёнларни теран ва тўғри баҳолай олган “Ёш бухороликлар” ички масалаларда ҳам қатъий мақсадларга эга эдилар.

Кўп ўтмай, 1917 йилнинг февралда Россия пойтахти Петербургда муҳим сиёсий жараёнлар рўй берди. Амирликнинг руслар истиқомат қиладиган ҳудудларида ҳокимият Россия муваққат ҳукуматининг ижроя комитетлари кўлига ўтди. 1917 йилнинг 12 мартда Янги Бухоро (Когон)да ижрокўм сайланди. “Ёш бухороликлар” ўз мақсадларини Россия муваққат ҳукумати орқали амалга оширмоқчи бўлиб, Петроградга телеграмма орқали мурожат этиб, амирни ислохот ўтказишга кўндиришни илтимос қилдилар. Жавоб бўлмагач иккинчи телеграмма юборилди. Бу билан кифояланмай Абдурауф Фитрат билан Усмон Хўжа Пўлатхўжаев Петроградга отланди. Улар Оренбургга етганларида “Ёш бухороликлар” ва амир ўртасидаги келишмовчиларни ҳал этиш учун Россия пойтахтидан махсус комиссия йўлга чиққани ҳақидаги хабарни олдилар ва орқага қайтдилар [13: 51-6]. Бундан кўриниб турибдики, Усмон Хўжа Пўлатхўжаев “Ёш бухороликлар” партиясида энг обрўли аъзоларидан бири эди. 1917 йил 15 мартда партия МК га сайловлар ўтказилди ва А.Мунзим (раис), А.Фитрат (котиб), У.Пўлатхўжаев (ҳазиначи), МК аъзоларининг ярмидан кўпи “Тарбияи атфол”дан (1908 йилда тузилган “Болалар тарбияси”) ташкилотидан эдилар. Усмон Хўжа Пўлатхўжаевга партия МКда энг масъулиятли вазифалардан бири юкланганди [14: 21-6].

Амир зиндонидан қутулган Усмон Хўжа 15 нафар шериклари билан Янги Бухоро (Когон)га келади ва у ердан бир қисм жадидлар Самарқандга, бир қисм жадидлар Тошкентга кетишди. Усмон Хўжа ва Абдурауф Фитрат Тошкентга муҳожирликка кетишди. Аҳмад Найим эса икки турк зобити ҳамкорлигида амир айғокчилари таъқибидан қочиб Ашхабод – Машҳад – Техрон – Мосул – Дамғон – Табриз шаҳарлари орқали Истанбулга кетади. Усмон Хўжа Пўлатхўжаев Бухоро озодлиги масаласини бутун Туркистон халқлари озодлиги ва демократияси билан яхлит ҳолда тасаввур этарди. Шунинг учун у Туркистонда тараққийпарвар кучлар томонидан ўтказилган ҳар бир жараённи назардан четда қолдирмасди. 1917 йил 8 сентябрда Туркистон мусулмонларининг қурултойи Тошкентда иш бошлайди. Қурултойни барча тараққийпарвар кишилар қаторида бухоролик Усмон Хўжа ҳам табриклайди [15: 18-6]. 1918-1920 йилларда Усмон Хўжа Тошкент ва Самарқанд шаҳарларида истиқомат қилади [14: 23-6].

Юқорида қайд қилингандек, Самарқанд ва Тошкент шаҳарларида муҳожирликда истиқомат қилган Усмон Хўжа Пўлатхўжаев Туркистон АССРда кечаётган ижтимоий-иқтисодий жараёнларда фаол иштирок қилиб, маҳаллий аҳоли орасида миллий озодлик ғояларини тарғиб қилишда давом этганди. Туркистонда ташкил топган миллий ташкилотлар билан Турккомиссия (кейинчалик Ўрта Осиё бюроси) ўртасидаги қурашларда Мунаввар Қори Абдурашидхонов билан бир сафда Усмон Хўжа, Отаулла Хўжа, Абдуқодир Муҳиддиновлар иштирок қилганлар. Ҳатто, Абдуқодир Муҳиддинов Ўрта Осиё мусулмонлар Бюросини (Мусбюро) (1919-1920 йиллар) тузишда фаол иштирок этган [16: 182-183-в]. Маълумки, Мусбюронинг 1919-1920 йилларда уч бор конференцияси бўлиб ўтган.

Мусбюро фаолият юритган даврда, “Марказ”дан юборилган ва ўлкада иш юритаётган Европа миллати вакилларида Салькин, Казаков, Кобозев кабилар улуг давлатчилик ва шовинизмдан иборат мустамлакачилик сиёсатини тарғиб қилаётган эдилар. Бундай тарихий шароитда Туркистон Марказий Ижроя Қўмитаси (ТМИК), Мусбюро ва Турккомиссиядан иборат ўзига ҳос уч ҳокимиятчилик вужудга келган эди.

Иккинчи томондан, “Тошкент жадиidlарининг отаси” Мунаввар Қори Абдурашидхоновнинг “Хуррият берилмас, олинур. Хеч нарса ила олиб бўлмас, фақат қон ва қурбон ила олиб бўлур!” деган фикрлари Усмон Хўжа сингари Бухоро муҳожирлари дунёқарашида ўз изини қолдириши табиий ҳол эди. 1919 йил 24 май-16 июнь кунлари Тошкентда Мусбюронинг I-таъсис конференцияси бўлиб ўтди. Ушбу конференцияда Мусбюро раиси Турар Рисқулов ушбу ташкилотнинг тузилиш сабаблари, фаолияти, вазифалари, ва истиқболли дастури ҳақида маълумот беришга қаратилган нутқини сўзлайди. Мусбюронинг бошқа аъзолари қатори Усмон Хўжа Пўлатхўжаев ҳам таъсис конференциясида иштирок этиб, Мусбюро миллий манфаатлар учун кураш олиб боришга қаратилган ташкилот бўлиши кераклигига асосий урғу берган. Унинг нутқида Мусбюро маҳаллий зиёлиларни, раҳбар кадр ва миллий коммунистларни ҳар қандай бўхтон ва иғволардан ҳимоя қилиши, ўлкада тарқалган очарчилик оқибатлари қарши кураш олиб бориб, туб аҳолининг манфаатларини кўзлаши, “янги коммунистлар”нинг буюк давлатчиликдан иборат шовинизмга қарши кураши, миллий кўшин тузишга эришиши каби масалалар кўтарилган. Хуллас, Мусбюронинг олти пунктдан иборат вазифаларини шакллантиришда Усмон Хўжа ва Абдулқодир Муҳиддиновларнинг хизматлари ҳам бор эди.

Хулоса қилиб айтганда, 1920 йил сентябрда Бухорода монархия тартиби ағдарилганига қадар яшаган Усмон Хўжа ва унинг сафдошлари Туркистон озодлиги ва миллий манфаатлар учун курашлар майдонида бўлдилар.

Манбалар ва адабиётлар/источники и литература/ References

1. Ibrahim Yarkin. “Kosaoglu Osman”// “Turk kulturi”. Sayı 70 (1968). – S. 123.
2. Фозилбек Отабек ўғли. Дукчи Эшон воқеаси.–Т: “Чўлпон”,1992.–77 б.
3. Иброҳим Ёркин. Хотиралар// Жаҳон адабиёти. 1993. №7.–Б. 134-144
4. Baymirza Hayit. Turkistan devletlerin milli mucadeleleri tarihi. Ankara. Turk tarix kurumi. 1995. – S. 206
5. Абдуллоҳ Ражаб Бойсун. Туркистон миллий ҳаракатлари. Истанбул. 1943. – Б. 40-41 (араб имлосида).
6. Али Бодомчи. 1917-1934 йиллар Туркистон миллий ҳаракати ва Анвар пошо. Қўрбошилар. Биринчи жилд. Истанбул, 1975.–Б. 50,
7. Zakriyo Kitabchi. Turkclar ve Islamiyet. Istanbul. 1984.–S. 145
8. Зиёев Х. Туркистонда Россия тажовузи ва ҳукмронлигига қарши кураш (XVIII- XX аср боши). – Т:Шарқ; 1998. – 476 бет.
9. Суюнова О. Туркистонда 1916 йилги миллий озодлик кураши (Сирдарё вилояти мисолида). – Т: Фан; 1997. – 64 бет.
10. Чориев З. Туркистон мардикорлари: сафарбарлик ва унинг оқибатлари (1916-1917 йиллар). - Т: Шарқ; 1999. – 160 бет.
11. 11.Turkistan. (Turkistan turk gencler birliginda yerilen konferanslar). Turkistan turk gencler birligi yayini, Osmanbek, Istanbul, 1936. – S.17-18)
12. Абдурауф Фитрат. Шарқ сиёсати (нашрга тайёрловчи Б.Эргашев, И.Ғаниев) Бухоро, 1992. – Б. 20.
13. Шамсутдинов Р. Абдурахим Юсуфзода. Истиқлол йўлида шаҳид кетганлар. – Т: Шарқ, 2001. – Б. 51.
14. Ҳайитов Ш. Усмон Хўжа Пўлатхўжев- миллий истиқлол курашчиси. Бухоро, 2007. – Б. 21

-
15. Мингноров А. Туркистонда 1917-1918 йиллардаги миллий-сиёсий ташкилотлар (миллий матбуот материаллари асосида). Т: Маънавият, 2002. – Б.18
 16. Ўзбекистон Миллий архиви, Р-17 фонд, 1 рўйхат, 2504-йиғма жилд, 182, 183 вароқлар.